

Ҳ У К М
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2020 йил ноябрь ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди, ўз биносидан, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Хашимов, Д.Мелибоевнинг котибалигида, тарафлардан Фарғона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Э.Омонбоев, судланувчи А.А ва унинг химоячиси М.Паёзовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан А.А.Ага оид [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

А.А.А (А.А.А), 1963 йил 2 майда Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, судланмаган, ишламайди, [REDACTED], иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 28 октябрь куни олган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзини тинглаб, ишдаги далилларни ҳар томонлама тўла ва объектив тарзда текшириб, муҳокама қилиб қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

А.А 2020 йилнинг апрель ойи бошларида яшаш хонадони бўлган [REDACTED]нинг томорқа ер майдонига таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган “наша” гиёҳвандлик ўсимликларини қонунга хилоф равишда экиб, уларни парваришлаган ҳолда етиштириб келган ҳамда шу йилнинг июль ойи ўрталарида томорқасидаги ўзи етиштирган кўп миқдордаги “наша” ўсимликларининг бир қисмини барг ва пояларини юлиб олиб, ўтказиш мақсадини кўзламасдан, уларни келгусида ўзи истеъмол қилиши учун қуритиб, яшаш хонадонидаги товуқхонанинг том қисмида 2020 йил 3 август кунига қадар сақлаб келган.

2020 йил 3 август куни Фарғона шаҳар ИИО ФМБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қора дори-2020” тадбири давомида, А.Анинг яшаш хонадони бўлган [REDACTED]нинг томорқа ер майдони холислар иштирокида кўздан кечирилганида, унинг томорқасида икки туп ҳамда томорқасидаги тувакда бир туп “наша” гиёҳвандлик ўсимлиги ўсиб турганлиги ҳамда мазкур хонадонда жойлашган товуқ катагининг том қисмига “наша” ўсимлигига ўхшаш ўсимликлар ёйиб қўйилганлиги аниқланиб, мазкур томорқадаги икки туп ва тувакдаги бир туп “наша”



гиёхвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик баргларида наъмуналар ҳамда товукхона томидаги кўп миқдордаги “наша” ўсимлигига ўхшаш ўсимликлар тегишли тартибда ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Фарғона шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг 2020 йил 3 август кунги ҳулосасида А.Анинг яшаш хонадони томорқасида аниқланган 2 (икки) туп ва тувакдаги 1 (бир) туп “наша” гиёхвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимлик бегона ўтлардан тозаланган ва парваришланган ҳолатда эканлиги кўрсатилган.

Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизанинг 2020 йил 6 август кунги 462-сонли ҳулосасида, А.Анинг яшаш хонадонидан олинган ўсимлик моддаси намунаси таркибида фаол гиёхванд модда тетрагидроканнабинол мавжудлиги ҳамда ушбу модда “каннабис” (наша) деб аталувчи гиёхванд ўсимликлар туркумига киришлиги кўрсатилган.

Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизанинг 2020 йил 5 август кунги 463-сонли ҳулосасига кўра, А.Анинг яшаш хонадонидан ашёвий далил тариқасида олинган яшил рангли қуритилмаган ҳолдаги ўзига хос хидли модда таркибида гиёхванд тетрагидроканнабинол моддалари мавжуд бўлган кўп миқдордаги жами 147 грамм оғирликдаги “марихуана” гиёхвандлик воситаси эканлиги кўрсатилган.

Суд-наркология экспертизасининг 2020 йил 19 августдаги № 239-сонли ҳулосасида А.Ада “Наркомания каннабис” наркологик касаллиги аниқланганлиги, шу сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўллашга мухтож эканлиги кўрсатилган.

Судланувчи А.А судда, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2019 йил октябрь ойи ўрталарида балиқ овлаш мақсадида Фарғона шаҳар Бешбола ҳудудидан ўтувчи сойга борган вақтида, сойнинг қирғоқларида ёввойи ҳолда ўсиб турган “наша” ўсимлигини кўриб, унинг баргларини сидириб олиб, уйига қайтиб келганлигини, сидириб олган вақтида “наша”ни уруғлари ҳам бирга қўшилиб чиққанлигини, сўнг унинг уруғларини яшаш хонадонининг томорқасига ташлаб юборганлигини, 2020 йилнинг апрель ойи ўрталарида томорқасини тозалаётган вақтда “наша” ўсимлигини ўсиб чиққанлигини кўрганлигини, сўнг уларни бир тупини тувакка ўтказиб, қолган қисмини юлиб ташламасдан парваришлаб келганлигини, шу йилнинг июль ойларида томорқасида парваришлаб келаётган “наша” ўсимлиги катталашганлигини кўриб, уни юлиб, яшаш хонадомидаги товук катагининг тепасига баргларини қуритиш мақсадида ёйиб қўйганлигини, 2020 йилнинг 3 август куни ИИБ ходимлари “Қора дори-2020” тадбири ўтказилаётганлиги сабабли яшаш хонадонини кўздан кечиришни айтишганида у рози бўлганлигини, яшаш хонадони ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганида, томорқасида 2 туп ва 1 туп тувакда “наша” ўсимлигини, товук катагининг тепасидан “наша” ўсимлигининг баргларини топишганлигини, сўнг уларга бўлган ҳолатни айтиб берганлигини, ўзи ҳам базида “наша” гиёхвандлик воситасини истеъмол қилиб туришини, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.



Судланувчи А.А ўзига эълон қилинган айбга икром бўлиб кўрсатма берсада, унинг содир этган жинояти суд мажлисида текширилган қуйидаги далиллар билан тасдиқланади:

гувоҳ М.Ш судда, 2020 йил 3 август куни [REDACTED] кўздан кечиришда ИИБ ходимлари холис сифатида иштирок этишини сўрашганида, ўз ихтиёри билан рози бўлганлигини, унга ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилганлигини, сўнг А.Ани яшаш хонадони [REDACTED] кўздан кечирилганида, унинг яшаш хонадонидан томорқасидан 2 туп ва тувакда 1 туп “наша” ўсимлиги ўсиб турганлигини, товукқ катагининг устки қисмида эса қуритиш учун ёйиб қўйилган “наша” ўсимлигини кўрганлигини, тадбир иштирокчилари улардан намуналар олиниб, қолган қисми ёқиш йўли билан йўқ қилинганлигини билдириб берган кўрсатуви;

гувоҳ А.А судда, А.А отаси бўлишини, отаси билан бир уйда яшашаб келишини, яшаш хонадонинг томорқасига отаси қараб келишлигини, отаси “наша” гиёхвандлик воситасини истеъмол қилиб туришини билмаслигини, ўзи ҳам истеъмол қилмаслигини, ИИБ ходимлари томонидан тадбир ўтказилган куни яшаш хонадонига бўлмаганлигини, бўлган ҳолатни отаси айтиб берганлигини, “наша” ўсимлиги гулларнинг орасида бўлганлиги сабабли эътибор беришмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Бундан ташқари, А.Анинг содир этган жинояти ишдаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотоилова (и.в.3-14), Фарғона шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг хулосаси (и.в.15), ашёвий далилни олиш баённомаси (и.в.16), судга оид кимёвий экспертиза хулосаси (и.в.22-25), ашёвий далилни тортиб олиш баённомаси (и.в.26), ашёвий далил деб эътироф этиш баённомаси (и.в.39-40), судга оид наркология экспертизаси хулосаси (и.в.43), кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш баённомаси ва фотоилова (и.в.65-70) ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, А.Анинг содир этган жиноий ҳаракатини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, А.А яшаш хонадони бўлган [REDACTED] нинг томорқа ер майдонига “наша” гиёхвандлик ўсимликларини қонунга хилоф равишда экиб, уларни парваришлаган ҳолда етиштириб келган ҳамда шу йилнинг июль ойи ўрталарида томорқасидаги ўзи етиштирган кўп миқдордаги “наша” гиёхвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламасдан, сақлаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг



муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги, Қарорнинг 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарорлари талабларига риоя қилиб, А.Ага нисбатан жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқроп ва қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини, ёшини, муқаддам жиноят содир қилмаганини жазони енгиллаштирувчи ва унинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмагани сабабли ЖКнинг 57-моддасини қўллаб ЖК 59-моддаси тартибида, озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

-шунингдек, А.А гиёҳвандлик кассалиги билан оғригани сабабли унга гиёҳвандликка қарши тиббий муассасаларда мажбурий даволанишни белгилашни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътилоб, Фарғона вилоят ДХХ Фарғона вилоят бошқармаси далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган соф вазни 147 грамм (текширишга сарфланган 1 грамм инобатга олган ҳолда) “каннабис” ва “марихуанна” гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 462,463,465-467,468,471,473-моддаларини қўллаб

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

А.А.А (А.А.А) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

А.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдоридagi 5.575.000 (беш миллион беш юз етмиш беш) сўм жарима жазоси, ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми тартибида тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли орқали узил-кесил 1 (бир) муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

А.А сутканинг соат 21:00 дан соат 06:00 гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқиш чеклансин.

А.А.Ага:



-алкоголли ичимлик сотиладиган кафе (бар), ресторанларга бормаслик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик, жазони назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик каби қушимча тақик (чеклаш) юклансин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Фарғона шаҳар ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

А.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖК 96-моддасига асосан яшаш жойидаги тиббий муассасаларда “наркомания каннабис” гиёхвандлик кассалигидан мажбурий даволаниш белгилансин. Ижроси Фарғона шаҳар ИИБга юклатилсин.

А.А.Ага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, Фарғона вилоят ДХХ Фарғона вилоят бошқармаси далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган соф вазни 147 грамм (текширишга сарфланган 1 грамм инобатга олган ҳолда) “каннабис” ва “марихуанна” гиёхвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг апелляция судлов ҳайъатига, қонунда белгиланган тартибда кассация судлов ҳайъатига протест ёки шикоят келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

имзо

Ш.Хашимов

Нусхаси аслига тўғри;

Ш.Хашимов

